

Инсонни ўрганиш илми



МУРОД ТИЛЛАЕВ

ҚИЁФАЛАР ВА ТАҚДИРЛАР

ёхуд

Кўз — руҳнинг ойнаси

Инсоннинг феъл-атворини
ташқи қиёфасига қараб аниқлаш мумкинми?

Инсонни ўрганиш илми

МУРОД ТИЛЛАЕВ

Қиёфалар ва тақдирлар

Инсоннинг феъл-атворини ташқи
қиёфасига қараб аниқлаш мумкинми?

*Тўлдирилган ва қайта ишланган
иккинчи наشري*

«Тафаккур» нашриёти
Тошкент – 2017

УЎК: 819.175.043-7 (Узб)6

КБК: 16.173.3

T-44

Суд жараёнида кишини у ёки бу жиноятни содир этганликда айбдор деб топишда унинг ташқи қиёфаси ҳеч қандай роль ўйнамайди. Аммо терговчилар ва изқуварлар шахсининг ташқи қиёфаси унинг феъл-атвори, мойилликлари ҳақида кўп нарса сўзлашини билиб қўйсалар зиён қилмайди, аксинча, амалий фаолиятларида қўл келади.

Муаллиф ушбу рисолада олимлар, мутахассислар асрлар мобайнида бу борада олиб борган изланишларини умумлаштириб, уларни содда, раво, кизиқарли тилда баён этади. Китобча амалиётчи ҳуқуқшунослар, жиноят қидирув хизмати ходимлари, қолаверса, кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

УЎК: 819.175.043-7 (Узб)6

КБК: 16.173.3

*Барча ҳуқуқлар амалдаги қонунларга асосан ҳимояланган.
Китобдан кўчириб босиш муаллифнинг ёзма рухсатномаси билан амалга оширилиши лозим.*

ISBN 978-9943-24-179-4

© Мурод Тиллаев, 2015.

© «Наврўз» нашриёти, 2012.

© «Тафаккур» нашриёти, 2017.

СЎЗБОШИ

1829 йил январь ойининг оқшомларидан бирида Монморанси водийсидаги Атенвила шаҳарчасида ёш эр-хотин ўз уйларида ўлдирилган ҳолда топилади. Шу шаҳарчадаги чоғроқкина меҳмонхона уларга қарашли эди. Икки саёҳатчи қотилликда гумон қилинди. Уларни жиноят юз беришидан олдинроқ шу меҳмонхонанинг ошхонасида кўришганди. Саёҳатчилар ташқи кўринишидан умрбод озодликдан махрум этилган, аммо яқинда қамоқдан қочган маҳкумлар — Дом-Дюпен ва Роберт Сент-Клернинг қиёфаларига ўхшаб кетарди.

Дюпеннинг башарасини кўрган кишининг юраги орқага тортиб кетарди. Унинг лаблари юпқа, қирра бурнининг тешиклари катта-катта, кўзлари одамга қаттиқ тикилиб қарарди. Бақувват жағлари, тор пешонаси башарасини баттар совуқ қилиб кўрсатарди.

Сент-Клерниинг кўзлари хиёл ғилай бўлиб, ҳамиша ўйнаб, олма-кесак териб турарди. Сочлари сип-силлик, ўзи ниҳоятда озғин эди. У гавдаси кичик бўлгани билан ниҳоятда кучли бўлиб, кўркув нималигини билмасди. Қамоқхонадаги ма-наман деган маҳкумлар ҳам улардан кўрқишарди.

...Иккови жинойий тил бириктириб, қамоқхонадан қочишга аҳд қилишади. Улар узок тайёргарликдан сўнг қамоқхонанинг баланд, тиканли девори устидан пастга сакрашади. Сент-Клернинг вазни енгил бўлгани учун унинг у ер-бу ери тилинади, холос. Дюпеннинг эса оёғи чиқади. Сент-Клер жуссаси кичик бўлишига қарамай шеригини елкасида кўтарган ҳолда деярли дам олмасдан ботқоқликни кечиб ўтади. Улар бир неча кун кишлоқ яқинидаги ўрмонзорда яшириниб юришади. Дюпеннинг оёғи анча тузалиб, оқсоқланиб

бўлса-да, юра оладиган бўлгач, қинғир йўл билан пул топишга қарор қилишади. Сент-Клер қотиллик қилишни таклиф этади. Дюпен дарҳол унинг таклифига рози бўлади. Режаларини амалга ошириб, ўлжани бўлиб олишгач, иккови икки томонга тарқалади.

Дом-Дюпен тез орада Италияда қўлга олинади. У Францияга келтирилиб, қатл этилади. Аммо Сент-Клер изсиз ғойиб бўлади.

1830 йилнинг кузида Дофина шаҳридаги «Европа» меҳмонхонасида яшаётган бир гуруҳ сайёҳлар бир стол атрофида тўғланиб қолади. Кизгин суҳбат бошланади. Гап ўша даврларда машҳур бўлган инсоннинг ташқи қиёфасига қараб унинг феъл-атвори аниқлаш тизими ҳақида кетади. Қорачадан келган бир шифокор ҳар бир кишининг бошидан кечирган ҳаёти унинг юзида ўз изини қолдиришини, одамнинг ташқи қиёфасига, бош чаноғи тузилишига қараб феълни аниқ билиш мумкинлигини айтади.

Даврадагилар шифокордан бунинг исботини талаб қилишади. Шунда шифокор ҳамсуҳбатларини текшириб, ҳар бирининг феъл-атвори, бошидан ўтказганларини тўғри топа бошлайди. Фақат бу тажрибада юзи оқариб кетган бир киши иштирок этишдан бош тортади.

— Гапларингиз тўғри бўлганида, табиатнинг бундай сирини очган кимсани гулханда тириклай ёқиш керак эди. Зеро, бундай билимга эга бўлиш табиат устидан зўрлик қилиш билан баробардир. Ҳозирги гапларингизнинг тўғри чикқани тасодиф, холос, — дейди у.

— Ҳойнаҳой, сиз ҳақ бўлсангиз керак, — тан олади шифокор эътироз билдирган кишини диққат билан кўздан кечирар экан. — Бордию, тасодиф бўлмаганида, сиз ўғри ва қотил бўлиб чиқишингиз керак эди.

Бу гапни эшитган халиги кимса сакраб ўрнидан туриб, стулни кўтариб, шифокорнинг боши-

га туширмоқчи бўлади-ю, тўсатдан тўхтаб қолади. Чунки хонага меҳмонхона хўжайини билан миршаб кириб келган эди.

— Шу кеча меҳмонхонадаги хоналарнинг биридан кўп миқдорда кумуш буюмлар ўғирланган, — деди миршаб. — Мендаги маълумотларга қараганда, ўғри сизларнинг орангизда бўлиши керак.

Шунда ҳамма худди келишиб олгандек, ярқ этиб ҳалиги ранги оқариб кетган кишига қарайди. Унинг жомадони кўздан кечирилганда меҳмонхонадан ўғирланган барча кумуш буюмлар чиқади. Бу кимса бир пайтлари қамоқдан қочиб, изсиз йўқолган Роберт Сент-Клер эди. У 1831 йилда Версалда қатл этилади.

XIX асрда содир бўлган ушбу воқеа яшин тезлигида ҳаммаёққа тарқалади. Афсуски, XXI асрга келиб уни тарихчи, ҳуқуқшунослардан бошқа ҳеч ким ёдга олмайди.

Ҳа, юриспруденция соҳаси вакилларининг инсоннинг ташқи қиёфасига қизиқиши сусайиб кетди. Ҳозир тергов ва суд фақат далилларга таяниб иш кўради. Бирор жинойт содир этганликда гумон қилинувчиларнинг ташқи қиёфаси, хулқ-атвори ашаддий жинойтчи эканлигидан дарак берса ҳам, бу ҳеч нарсани исбот қилмайди. Ваҳоланки, кишининг ҳаёти, қилган ишлари унинг қиёфасида из қолдириши, қолаверса, унинг феъл-атвори хатти-ҳаракатини белгилаб бериши руҳшунослар томонидан исботлангани ҳақиқатдир. Шунинг учун, ўйлаймизки, кишининг характерини ташқи аломатларга қараб аниқлаш тизими билан яқиндан танишиш фойдадан холи бўлмайди.

Ғафур Абдумажидов,
юримдик фанлари доктори, профессор.



ТАШКИ ҚИЁФА ВА ТАҚДИР

Ташки қиёфа ва тақдирнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Қандай қилиб кўз ва қулоқларнинг шакли, қўл кафтидаги чизиклар одамнинг ҳаёт йўли ҳақида сўзлаб бера олади? Сизга хат ёзган одамнинг дастхатига қараб мактуб эгасининг феъл-атворини аниқлаш мумкинми? Бу каби кўплаб саволларга хиромантия, физиогномика ва хатшунослик соҳалари жавоб беришга уриниб кўради.

Хиромантия шундай илмки, унинг ёрдамида инсоннинг феъл-атворини аниқлаш ҳамда қўл кафтини қоплаган дўнгликлар, чизикларга қараб кишининг тақдирини башорат қилиш мумкин. Бу фанни яна хироскопия, хирософия, пальмистрия, хирология, хирография ва хирогномия каби номлар билан ҳам аташган. Хирогномияни

кейинчалик қўлларнинг шаклларини ўрганиш деб атай бошлашди. Қўл кафтидаги чизиқлар ва улардаги кўплаб комбинацияларни «ўқиш» — хиромантия илмининг ўрганиш предметиدير. Хиромант одамнинг феъл-атворини, унинг дид ва қизиқишларини, майлларини тўғри аниқлай олади, олдин юз берган воқеаларни ҳам кишининг қўлидан «ўқиб» олади ва келажаги ҳақида башорат қилади.

Мозийда бу санъат астрология билан узвий боғлиқликда бўлган. Хиромантияга ишонувчилар орасида машхур олимлар ва файласуфлар бор эди. Пифагор, Аристотель, Цезарь, Сулла, Гален ва бошқалар шулар жумласидандир.

Милоддан 100 йил олдин дельфислик Артемидор деган олим қадимги Шарқдаги бошқа фанлардан хиромантиянинг афзаллиги, устунлигини алоҳида ажратиб кўрсатганлиги ҳақида рисола ёзган.

Қадимги даврда хиромантияга қизиқиш жуда кучли бўлган. Шарқ, Юнонистон ва Римда олимлар уни тиббиётнинг асоси сифатида қабул қилишган. Табиблар беморни даволашга киришишдан олдин унинг қўлидаги чизиқларни кўздан кечиришган ва шу асосда ташхис қўйишган. Хиромантлар, айниқса, Рим инқирозга учраган пайтда катта муваффақиятга эришганлар. Машхур олим ва шифокор Клавдий Гален шу санъатнинг етук вакили сифатида Римда катта шухрат қозонган. Юлий Цезарнинг ўлдирилиш кунини башорат қилган Плиния исмли хиромантнинг номи ҳам бизгача етиб келган. Ўз даврининг тенгсиз олими Ибн Сино турли илмлар тўғрисида, шунингдек, хиромантия ҳақида ҳам қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган.

Ўрта асрларда бу соҳага эътибор ва қизиқиш ниҳоятда кучли бўлган. Бунинг исботини Германия ва Италия университетларида хиромантия кафедралари ташкил этилганлигида кўриш мумкин. Олий ўқув юртларида хиромантия бўйича докторлик ва профессорлик даражаларини олиш учун диссертациялар ёқланган. Фаннинг гуллаб-яшнаган даври XVII асрга тўғри келган. Қўлга қараб фол очувчи машҳур фолбин Преториуснинг ҳаёт йиллари ҳам шу даврга тўғри келади. Кейинчалик хиромантиянинг нуфузи пасая борди.

XIX асрда Дебарролнинг асари пайдо бўлгандан сўнг «қўлни ўқиш»га бўлган қизиқиш қайтадан кучая бошлади. Хиромантия сирларини очишдан ташқари сайёраларнинг инсон тақдирига таъсир этиш назариясининг баён этилиши бу китобнинг оммалашиб кетишига сабаб бўлди. Дебарроль ёшлигида ота-ўғил Дюмалар билан бирга Испания бўйлаб саёҳат қилган. Саёҳат давомида улар испан лўлилари билан кўп бора мулоқотда бўлишган.

Қўлга қараб фол очиш азалдан лўлиларнинг асосий «қасб»ларидан бири саналган. Дебарроль улар очган фолнинг тўғрилигига кўп бора амин бўлган. Фол очиш санъати уларга узоқ ажодлари — Изида илоҳасига сиғинувчи мисрлик коҳинлар орқали етиб келганлиги тўғрисида фол очувчи лўлилардан бири Дебарролга гапириб беради. Лўлилар унинг бу сирли илм билан таништириш ҳақидаги илтимосини бажонидил бажаришган. Дюма уларнинг сафарини «Париждан Кадиксгача» номли асарида батафсил тасвирлаган.

Парижга қайтгач, Дюма Дебарролни француз армияси капитани д'Арпентиньи билан таништиради. Бу капитан ҳам қўлларнинг сирини



ўрганаётган эди. Лекин у кафт чизиқлари эмас, кўпроқ қўлларнинг ташқи кўриниши билан қизиқарди. Д'Арпентиньи бу илмни хирогномия деб номлади. Дебарроль хирогномия билан танишганидан сўнг мазкур фаннинг хиромантия билан мувофиқлигига

ишонч ҳосил қилган ва бир тизим иккинчисини тўлдиришини тасдиқлаган. Шундан кейин Дебарроль ўзининг ушбу хулосаси физиогномика ва френология билан мос келишини текширган ва катта мамнуният ила тахминлари тўғрилигига амин бўлган.

Френология асосчиси, таниқли анатом олим Галлнинг фикрича, инсоннинг бош миясида унинг турли хусусиятлари — хасислик, қизғанчиқлик, мардлик, жасурлик, мусиқа ва шеърийатга иқтидори каби фазилатлари, нуқсонларига мувофиқ келадиган майдонлар, ҳудудлар бор. Галл мана шу майдонларнинг ривожланиши инсоннинг мия қопқоғига босим ўтказди ва унинг юқори қисмида дўнгликлар ҳосил бўлади, деб ҳисоблаган. Дўнгликлар қанчалик нотекис бўлса, одамнинг хусусиятлари шунчалик яхши ривожланган бўлади. Галл таклиф қилган тизимдан ташқари яна бошқа тизимлар ҳам мавжуд. Кейинчалик кўплаб френологлар, айниқса, италиялик Чезаре Ломброзо ўзи яратган тизим билан ном қозонди.

Кунларнинг бирида Дебарроль лейпциглик Адольф Генце исмли шахснинг одам мияси ва



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/4526> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4526> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4526>